БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 155 (3127).

10 август СЕШАНБА 1965 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЖИЛВАЛАНАР ПАХТАЗОР

Ойдин кечани дам қўшиқ айтиб, дам ширин хаёлларга чўмиб ўтказаётган Қўчқор ака эгатларни сўнгги бор яна бир сидра кўздан кечирди-ю, кетмон дастасига суянганича жўяклар шилдираб оқаётган сувга тикилиб, бир нафас хаёлга чўмди. Шу пайт гўё тонг унинг ёнгинасидан бошланаётгандек атроф секин-аста ёришабошлади. Тун бўйи Қўчқор аканинг йўлини, дилини ёритиб ҳамкорлик қилган тўлин ой дўнгликда ўсган тол шохига толиққандек яқ тираб қолди. Унинг ҳозиргина жўяклардаги зилол сув билан қўшилиб оққан кумуш ёғдулари қуюқ барглар орасига ящиринди. Ҳа, тонг отарди, оппоқ тонг!

Нақадар файзли шу яшнаётган пахтазор. Ғир-ғир шабада эсади. Ғўзалар денгиз сингари чайқалади. Ҳосилини деҳқонга кўз-кўзлаб, дилини қувонтиради. Тун бўйи чанқоғи қониб ором олган ғўзалар энди кун бўйи қуёш нурини эмиб кўкка бўй чўзади. Энига-эн қўшади. Кўсаклари семиради. Пахтазор жилваси, деб деҳқон ана шуни айтади.

Қўчқор ака ана шулар ҳақида фикр юритарди. Кўз ўнгида олтин кузнинг улкан «оқ олтин» хирмони намоён бўларди. Ўзича беихтиёр жилмайиб қўярди. Ҳа, у сувчи. Ғўзани яшнатувчи. Ахир, ўйлаб кўринг. Навбаҳордан бери озмунча пешона тери тўкилдими, озмунча юрак ҳарорати сарф бўлдими бу ғўзаларга. Мана, энди ҳосил тарозига тушишга яқин қолган кезда, ғўза чанқатиб қўйилса, ҳосилнинг бир қисмини тўкиб юборса, бу увол эмасми? Бу деҳқоннинг ўз масъулиятини йўқотиб қўйганлигини, бевақт хотиржамликка берилиб кетганлигини кўрсатмайдими!

Бир қултим сув бир қучоқ пахта. Шундай экан, бир тупғўзани ташна қолдириш бир қучоқ пахтани йўқотиш, деган гап. Тунда суғоришга нима етсин. Ахир киши илиқ сув ичса қанчалик ланж бўлади. Ғўза ҳам шундай. Унинг ҳам чанқаб, қизиб турган томирларига муздеккина сув чунонам роҳат бахш этадики, асти қўяверинг. Буни ғўзанинг шабадада тебраниб, энига-эн қўшиб, деҳқонининг хоки-пойга талпинишида кўринг.

Қўчқор Нурматов ўзининг ширин ҳаёлларидан мамнун эди. Шу пайт «ҳормасинлар, Қўчқор ака» деган товуш эшитилди. Бу навбатчи сувчи Раҳимберди Рашидов эди. Раҳимберди елкасидаги кетмонини ерга қўяр экан, Қўчқор ака билан омонлашди.

— Қондирибсиз, яшнаб кетибди, энди сиз дамингизни олинг, навбат бизга. Қолган жойидан давом эттираверамиз.

Қўчқор ака чарчаганини, алақачон киприкларига қўнмоқчи бўлиб турган уйқуни энди пайқади. Раҳмонбердига анави 3 гектарлик картаннинг сувини энди бошқа картага олишни тайинлаб шийпонга жўнади. У уват бўйлаб борарди. Қуёш узатиб қолмоқда эди уни. Хаёлида ҳамон сўлим тун манзараси. Жўякларда — сув бетида қалқиб оққан юлдузлар. Йўқ, бу юлдузлар мутлақо оқиб кетгани йўқ. У сув билан ниҳоллар томирига сингди. Улар яқин кунларда сонсиз-саноқсиз чаноқлардан қайнаб чиқади.

Ҳа, шундай. Ўртоқ Абдураҳим Қирсадоқов бошлиқ звено аъзолари 59 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» кўтаришмоқчи. Далаларда қилинаётган ҳалол меҳнат шундан далолат бераяпти. Шу улкан хирмонни барпо қилишда миришкор сувчи Қўчқор ака Нурматовнинг ҳиссаси катта.

Т. ИБРОҲИМОВ,
Янгийўл, Назарали Ниёзов номли колхоз.

ҲАЛИМАНИНГ АҲДИ

МАШИНА теримига ТАЙЁРМИСИЗ?

Катта-ю-кичикнинг ҳурматига сазовор бўлган меҳнатсевар Ҳалима бу йил комплекс механизациялашган звенога бошлиқ қилиб тайинланди. Биз унинг шу кечакундузда ғўза парваришини қандай ўтказаётганлиги билан танишиш мақсадида йўлга чиқдик. Икки томонида азим дарахтлар саф тортган асфальт йўл билан Дмитров номли колхознинг Иттифоқ участкасига кириб бордик.

Мана, қаршимизда кенг пахтазор намоён бўлди. Гуркираб яшнаётган, кундан-кунга ҳосилига ҳосил қўшаётган шу кенг пайкаллардаги ғўзалар Ҳалима раҳбарлик қилаётган звенога қарашли.

Бу ерда ҳар қачонгидай иш қизғин. Бир томонда сувчилар эгатларга жилдиратиб оби-ҳаёт тарашаяпти. Бир томонда опасингиллар машинабоп қилиб ўстирилаётган ғўза қатор оралари онда-сонда қолган бегона ўтларни йўқотишаяпти.

Тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган миришкор деҳқон Охунжон ака Алиматов бизга ғўзаларга тўртинчи сув таралаётганлигини, бор ҳосилни тўла сақлаб қолиб, ҳосилга яна ҳосил қўйиш учун ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичиши таъминланаётганлигини, бу ишда ўз касбдоши Ўрмон Абдурасулев ҳам жонқуярлик қилаётганлигини сўзлаб берди.

Кейин, у бир томонга ҳиёл эгилиб қолган ғўза илдизи атрофига қўли билан майин тупроқни босиб, унинг қаддини ростлади-да, илтимосимизга кўра Ҳалима ҳақида ҳикоя қилакетди.

— Звено бошлиғимиз жуда ҳам ажойибда, қачон қарасангиз уни пахтазор бағрида, меҳнат қучоғида кўрасиз. Ишга ҳаммамиздан олдин келиб, ҳаммамиздан кейин кетади. Билмаганларини биладиган ўртоқларидан сўраб ўрганади, ўзининг тажрибаларини ҳам бошқалар билан ўртоқлашади. Еши эндигина 20 га тўлди. Аммо, унинг ишини, тажрибасини, ўз касбини пухта эгаллаб олганлигини билган киши катталардай ҳурмат қилади. Шу йил маҳаллий Советларга ўтказилган сайловда Ҳалиманинг область Советига депутат қилиб сайланганлиги чиндан ҳам унинг халқ ишончини оқлаётганлигини кўрсатади. Ана ҳозир у хўв, шийпоннинг орқа томонида «пўлат от»и билан ғўза қатор ораларига ишлов бераяпти.

Дала шийпонидан ўтиб, Ҳалима культивация қилаётган карта томон бордик. У универсалини бизнинг яқинимизга ҳайдаб келди-да, тўхтатди. «Ҳорманг, бор бўлинг»дан кейин Ҳалима Халпетовадан бу йилги режалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

—32 гектар пахта майдонимизнинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин», 20 гектар канопзоримизнинг ҳар гектаридан 180 центнердан «кўк олтин» ҳосили етиштириш учун курашяпмиз.

Бултур Ҳалиманинг ўзи 110 тонна пахта терганлигини билар эдик. Шунинг учун қизиқиб сўрадик.

— «Зангори кема»ни ҳам бу йил ўзингиз бошқарасизми?

— Бу йилги мўлжалим 200 тонна. Мана шу ниятга эришиш учун звеномизнинг ҳамма аъзолари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишаяпти. Ғўза машинабоп қилиб ўстирилса, говлатиб юборилмаса, ундан кейин дефолиация ўз вақтида ўтказилса, машина терими унумли бўлади. Биз шундай қилаяпмиз.

Чиндан ҳам ғўза бўйига эмас, энига ўсаяпти. Ҳосилга зўр бераяпти, ҳар тупида ҳозирнинг ўзидаёқ 6—7 тадан бўлиқ кўсак бор. Ана шунинг ўзи Ҳалималар звеносида иш пухта ташкил этилганлигини, мўлжалга дадил қадам билан борилаётганлигини кўрсатмоқда.

О. ТУРАҚУЛОВ.
Оққўрғон.

ТУРКИЯ БОШ МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 9 август. (ТАСС). Туркия Республикасининг бош министри Суат Хайри Ургюплю Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан бугун Москвага келди.

2-Внуково аэропортида ҳурматли меҳмонни А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари П. Ф. Ломако, В. Н. Новиков ва бошқалар кутиб олдилар.

Кутиб олиш вақтида фахрий қоровул саф тортиб турди ва Туркия Республикаси билан Совет Иттифоқининг Давлат гимнлари ижро этилди.

ЖЎНАРИҚНИ ЖИЛОВЛАГАНЛАР

Сув учун икки кун кураш ❁ Механизаторлар жасорати

Жўнариқ сувини янги ўзанга солиб юборишда жонбозлик кўрсатган бульдозерчилардан (чапдан) А. Галимов, В. Ермолович, И. Квенсер, А. Дектярев ўртоқларни кўриб турибсиз.

Бу анҳордан неча-неча йиллардан бери осойишта оққан сув мевазор боғларга, пахтазор водийларга ҳаёт бахш этиб келган. Инсонга жуда катта нафи теккан. Шунинг учун ҳам кишилар бу анҳорнинг номини Жўнариқ деб аташган бўлишса ажаб эмас. Аммо, нима бўлди-ю, бундан уч кун илгари тасодифий ходиса юз берди. Жўнариқ суви «ўжар»лик қилди. Ўзининг равон йўлидан адашди. Воқеа мана бундай бошланди.

Еттинчи август. Қуёш тикка келиб қолган пайт. Фрунзе номли колхозлик Курмаш она Жўнариққа яқин ерда қўй боқиб юрарди. Бирданига унинг қулоқларига даҳшатли сув тўлқинининг шовқини эшитилди. Ўзи нима гап? У овоз чиқаётган томонга қарагани Жўнариқ суви ер қаърини ўйиб, тупроқларни ювиб зўр тошқин билан оқаётган эди. Она бир нафас ҳангу-манг бўлиб қолди. Нима қилиш керак? Ўйлаб ўтирадиган фурсат эмас. Жуда катта фалокат юз бериши мумкин. У дарҳол колхоз правленеси томон йўл олди. Кексалигига қарамай ўзида аллақандай куч сезиб олга борарди. Яхшики, унинг олдидан колхоз агрономи Яхё Мамадниёров чиқиб қолди. Она дарҳол унга воқеани тушунтирди. Агроном дамба будкасидан диспетчер Татьяна Филатовага телефон қилиб, бу воқеани юқори ташкилотларга тезда етказиш зарурлигини билдирди.

Сув. Бир қултим сув бир қучоқ пахта. Шу бир қултим сув инсоннинг ҳам, инсон барпо қилаётган беполён экинзорлардаги ниҳолларнинг ҳам чанқоғини қондиради, унга ҳаёт бахш этади. Шундай экан, секундига 25 кубометрдан сув оқиб 12 минг гектар пахта майдонини оби-ҳаёт билан таъминлайдиган Жўнариқ сувининг бир соат бўлса ҳам беҳуда оқишига ким тоқат қилиб туроолади? Ахир бу йил сув таҳқислиги сезилди. Ҳар бир литр сув нондек азиз бўлиб қолди. Деҳқонлар шу сувни деб кечани-кундузга, кундузни-кечага улаб постларида сергак туришибди. Йил бўйи қилган меҳнатимиз зое кетмасин, экинларимиз чанқаб қолиб ҳосилга, хирмонимизга путур етмасин, деб оёққа туришибди.

Ҳа, шундай. Дарҳол тегишли ташкилотлар воқеадан хабар топишди, шошилинч зарур чоралар кўрилди. Янги ўзан қазиш штаби тузилди. Шу куни ярим тунда биринчи бор бу ерда қудратли экскаваторларнинг овози гуруллайбошлади. Жўнариқ суви Бўзсувга ва Куркилдак анҳорига зудлик билан бурилб юборилгандан кейин янги ўзан қазиш бошланиб кетди. Бу биринчи экскаваторни Бектемирдан азамат йигит Геннадий Суворов раҳбарлигидаги экипаж аъзолари олиб келишди. Олдиндан белгилаб қўйилган жойдан экскаватор чўмич ботмон - ботмон тупроқни четга элтиб ташлади. Эртасига ўзанда чинакам кураш бошланди. Бу — сув учун кураш, «оқ олтин» учун кураш эди. Бешта экскаватор, ўндан ортиқ бульдозер, бир қанча скрепер, юк машиналари бетиним.

Кишиларим из ниоқ, ҳамжиҳат, бир-бирига ҳамиша ҳамкор, мададкор. Ўзан қурилишига ўнлаб ташкилотлардан юрагида ўти бор кишилар ёрдамга келишди. «Чиноз» наслчилик совхози скрепер. Янгийўлдаги ғишт заводи, 90-кўчма механизация колоннаси, «Узсельхозтехника»нинг Янгийўл райони бўлими, «Халқобод» комбинати қурилишга трактор, бульдозер, скрепер жўнатишди. Калинин районидаги Фрунзе номли, «Коммунизм» ва «Ленинизм» колхозларидан юзга яқин деҳқон ёрдамга келди.

Ҳамманнинг мақсади битта — ўзан қурилиши тезроқ битсин, Жўнариқ суви яна ўз йўлида равон оқсин, беполён пахтазорларга мевазор боғларга ўзининг муздек суви билан шифо берсин. Ўртага ташланган шиор ана шу эди.

Геннадий Суворов, Александр Чернишев, Егор Моисеев, Иван Заритов ўртоқларга балли. Улар мана шу икки-уч кун ичида ўзларининг куч-қувватларини аямадилар. Ҳатто киприк ҳам юмишмади. Матонат билан дадил турибер қазишди, ўзанни тезроқ ишга туширишнинг учун обдон манглай тери тўкишди.

Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармасидан келган Владимир Ермолович, Жамил Абдуқодиров, Шаин Жамолиддинов, 90-кўчма механизация колоннасидан Александр Дектярев, Асқад Галимов, Янгийўл ғишт заводидан келган Александр Абрамов, «Узсельхозтехника»нинг район бўлимидан келган Зокир Исроилов, Йўлдош Холматов, Халил Нурматов ўртоқларга ташаккур. Бу бульдозерчилар дамбани текислаш ва мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Экскаваторчилар билан елкама-елка туришди. Игорь Хлизов, Абдужаббор Ўразимбетов ўртоқлар электр тармоқларининг тўхтовсиз ток бериб туришини таъминлашди, балли азаматлар.

Биз Жўнариқ ёқасида икки кеча-кундуз сув учун «жанг» қилган ҳар бир кишининг номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишни истаймиз. Шу икки кунлик жангда улар мисли кўрилмаган қаҳрамонлик кўрсатишди. Узунлиги 150 метр, кенглиги 17 метр, чуқурлиги 3,5 метр ҳажмда ўзан қазишди. 20 минг кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди.

Кишиларнинг жасорати ўзининг самарали натижасини берди. Кеча тушдан кейин Жўнариққа яна оби-ҳаёт қўйилди. Сув яна ўз йўлидан жўнгина равон оқабошлади. Чанқоқ экинзорлар яна Жўнариқ сувидан қониб-қониб ичиб, гуркираб яшнайбошлади. Деҳқонлар ўзларига мадад бериб, Жўнариқнинг бир қилган «шўхлигини» тийиб қўйишда ғайрат-шижоат кўрсатган ҳамкорларидан чексиз миннатдорлар.

У. ЖОНГИТОВ,
М. МИРҲАМИДОВ.
Калинин райони.







Суратларда: (чапдан ўнгга) ўзан қурилишида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилган скреперчи Абдужаббор Умурзоқов, ариқ янги ўзанидан сўнгги кубометр тупроқ қазиб олинмоқда, бульдозерлар дамбани текислаб мустаҳкамламоқда.
В. Сироткин фотолари.

СОВЕТ БИНОКОРЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

Кремлдаги Съездлар саройида тантанали йиғилиш

Ўз қўллари билан уй-жойлар, заводлар, конлар, мартенлар, электр станциялар барпо этаётган кишилар 7 августда — бинокорлар Куни умумхалқ байрами арафасида Кремлдаги Съездлар саройига тўпландилар.

Тантанали мажлис президиумида А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний ўртоқлар, СССР Қурилиш ишлари Давлат Комитетининг раҳбарлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари ўтирибдилар. КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Н. А. Кузнецов СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госстройининг раиси И. Т. Новиковга доклад қилиш учун сўз беради. Докладчи мамлакатда янги қурилиш кенг қулоч ёйганлигини таъкидлаб ўтди. Ўтган олти йил ичида саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини, шаҳарларни ривожлантиришга икки юз миллиард сўмдан кўпроқ ёки Совет ҳокимиятининг бундан олдинги бутун даврида қанча маблағ сарфланган бўлса, қариб шунча маблағ сарфланди. Шу давр ичида бир неча энг йирик гидростанциялар ишга туширилди. Узунлиги қариб уч минг километр бўлган «Дўстлик» нефть қувури қуриб битказилди. Бу нефть қувури СССР, Польша, Венгрия, Чехословакия ва Германия Демократик Республикасининг ёқилғи-энергетика артериясини боғлади. Олти йил мобайнида СССР шаҳарлари ва ишчи посёлкаларида саҳни 479 миллион квадрат метрли уй-жойлар қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Докладчи ҳали ҳал қилинмаган вазифаларни эслатиб ўтди. Барча қурилиш ташкилотлари планни ҳамма кўрсаткичлар бўйича бажаришга, ажратилаётган капитал маблағларнинг ҳаммасини ўз вақтида ўзлаштириш ва улардан самаралироқ фойдаланишга эришишлари зарур.

Йиғма темир-бетонни жорий қилиш қурилишни индустриалштириш соҳасида асосий йўналишдир. 1964 йилда йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш 50 миллион кубметрга етказилди. Бу йил ишга тушириладиган объектлар орасида Магнитогорск комбинатида ва Ильич номли металлургия заводида йирик домна печлари, Липецк, Кривой-Рог, Челябинск, Қараганда, Череповец заводларида конверторлар, прокат станлари бор.

Ишларнинг йиллик планини муваффақиятли тугаллаш — бинокорларнинг жанговар вазифасидир.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

Ленинград, Киев, Минск, Рига, Олмаота ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бинокорлар Кунига бағишланган тантанали йиғилишлар бўлиб ўтди. (ТАСС).

ЭЛИМИЗ БИНОКОРЛАРНИ ШАРАФЛАМОҚДА

Тошкент шаҳар партия комитети билан шаҳар Совети ижроия комитети шонли байрам — бинокорлар Кунига бағишлаб еттинчи августда Тельман номли маданият ва истироҳат боғида умумшаҳар кечаси ўтказдилар. Ўзбекистон пойтахтидаги янги қурилишларнинг ва бинокорлик индустрияси корхоналарининг ишчилари ва мутахассислари, шаҳардаги завод ва фабрикалар, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари боғнинг яшил хиёбонларини лиқ тўлдирдилар.

Боғнинг ёзлик театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда республика пойтахтидаги саноат корхоналарининг ишчилари, фан ва маданият арбоблари сўзга чиқиб, бинокорларни чин юракдан қутладилар. Улар бинокорларнинг фидокорона меҳнати учун самимий миннатдорчилик билдириб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажаришда бинокорларга янги-янги ютуқлар тиладилар.

Кечага таклиф қилинган меҳмонлар оммавий халқ сайилларида қатнашдилар. Ёзлик театрда ва боғнинг очиқ саҳналарида санъат усталари билан ҳаваскор артистлар уларга концерт кўрсатдилар. (ЎзТАГ).

СЕНТЯБРЬ ТАРАДДУДИ

Хоразм область маорифи ходимлари ўзаро текшириш бригадаси областимизда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш соҳасида қилинаётган ишлар билан атрофлича таниш дилар.

Яқинда бўлиб ўтган область партия ва совет ходимлари активи йиғилишида ўзаро текшириш якунлари муҳокама қилинди. Актив йиғилишида ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи, Хоразм область халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ М. Худойберганов текшириш натижалари ҳақида гапириб берди. Нотиқ пойтахт области мактабларида янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилаётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтди. Бекобод шаҳар ва райони, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари ва Калинин райони жамоат ташкилотлари мактабларни янги ўқув йилига ҳозирлашда маориф ходимларига, айниқса, яқиндан ёрдам берганликларини айтиб ўтди. Шунингдек, ўртоқ М. Худойберганов областдаги айрим мактаблар ремонти ҳали ҳам битказилмай, ўлда-жўлда бўлиб ётганлигини афсусланиб гапирди. Айниқса, Ўрта Чирчиқ районида аҳвол чатоқ. Бу район мактабларининг кўпи ҳали 1 сентябрга тайёр эмас. Ўқувчиларга дарсликлар тарқатиш иши ҳам оқсаяпти.

Актив йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон ССР Маориф министри ўртоқ Э. Қодиров нутқини ҳам зўр эътибор билан тингладилар. Областлар ўртасида ўзаро текширишнинг ташкил этилиши яхши тадбирдир, деди ўртоқ Э. Қодиров. Келгусида ҳам бу ишни давом эттириш лозим бўлади. Нотиқ ҳар иккала областда ремонт ишларининг бориши тўғрисида ҳам батафсил тўхталди.

Партия ва совет ходимлари активи йиғилишида Тошкент область партия комитетининг секретари К. Н. Бекаев ва область ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Н. Бродова ўртоқлар ҳам нутқ сўзладилар.

Актив йиғилишида область мактабларини 15 августгача янги ўқув йилига тахт қилиб қўйиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

РАЙКОМ ВА ИНСТРУКТОР

Район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Абдужаббор Мусаев:

— Қилаётган ишларимиз билан танишишни хоҳласангиз, аввал, мана буни кўздан кечиринг, — деб рўйхат дафтарини узатди.

Дафтарни бирма-бир варақлаймиз. Унда район партия комитети ва инструкторларнинг КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан қилаётган ишлари тартиб билан акс эттирилган. Булар орасида «Инструкторлар куни» диққатимизни жалб этди. Абдужаббор ака бу янги тадбирнинг моҳиятини тушунтириб берди.

Инструктор — ижодий ходим. У партиявий-сиёсий ишлардаги янгиликларнинг тарғиботчиси, жарчиси, ташкилотчиси. Бу шарафли вазифани муваффақиятли бажариш учун инструктор ўз устида қунт билан ишлаши, ўқиши, ўрганиши, малакасини ошириб бориши зарур. Бу соҳада катта тажриба орттирган инструкторлар кўп. Демак, шундай экан, инструкторларнинг райком секретарлари билан тез-тез учрашиб туриши, улар билан партия ҳаётига оид янгиликлар ҳақида, ўзини қизиқтирган масалалар ҳақида суҳбатлашиб туриши қандай яхши! Секретарь ўз навбатида уларга ҳаётий тажрибаларни айтиб беради. Ҳозирги кунда нималарга эътибор бериш кераклигини ўктиради.

— Очиғини айтиш керакки, — деди Абдужаббор ака, — илгарилари бизда инструкторлар райком секретарлари билан мажлисларда, бюро йиғилишларида, қисқа қилиб айтганда, оператив масалалар юзасидан учрашиб туришар эди. «Инструкторлар куни» ташкил этилгач, ана шу камчиликка барҳам берилди. Энди ҳар ҳафтада бир марта инструкторлар йиғилишади. Бу йиғилишда райком секретарлари ҳам иштирок этишади. Ўша куни ҳар бир инструктор ўзининг бир ҳафта давомида қилган ишига якун ясайди, ўзаро тажриба алмашади. Колхоз ва совхозларда партиявий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйиш юзасидан келишиб олинади.

Эрталаб соат роппа-роса ўнда райком инструкторлари йиғилишди.

— Бугунги машғулотимизнинг темаси, — деди райкомнинг агитация-пропаганда бўлими мудири Деҳқонбой ака Эргашев, — райкомнинг бюросига қарор лойиҳасини тайёрлаш, ҳар ким ўз соҳаси бўйича қарор ёзиши керак.

Хонага жимлик чўкди. Инструкторлар бирзум хаёлга чўмишди. Ўзаро колхоз ва совхозларда бўлган пайтда кўрган ишларини кўз олдиларига келтиришди. Ҳамма ишга киришади. Орадан чамаси ярим соат вақт ўтди. Инструктор Муса Қуролбоев қарор лойиҳаси тайёр бўлганлигини айтади. Деҳқонбой ака Мичурин номли колхоз партия ташкилотининг ёш коммунистлар билан ишлаш соҳасидаги тадбирлари тўғрисида ёзилган бу қарорни диққат билан ўрганиб чиқади.

Бошқа инструкторлар ҳам бирин-кетин топшириқни адо этишди.

Деҳқонбой ака М. Қуролбоевнинг ишидан анча хурсанд бўлди.

— Лекин ҳали масаланинг баъзибир томонларини яхши ўрганмабсиз, — деди у, — масалан, колхозда ёш коммунистлар билан ишлаш соҳасида анча ишлар қилинган деб айтгансиз-у, лекин конкрет мисоллар келтирмагансиз. Шунингдек коммунистларнинг ўқувини узлуксиз ташкил қилиш керак, деб айтгансиз-у, бироқ ана шу мақсадда қандай тадбирлар кўрилиши эътиборингиздан четда қолган. Энди колхозга борганингизда масаланинг ана шу томонларини пухта ўрганинг. Эҳтимол бу колхознинг коммунистлар билан ишлаш соҳасидаги тажрибасини оммалаштириш керак бўлар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Шу тарика инструкторлар ёзган қарор лойиҳалари муҳокама қилиб чиқилди.

Шундан сўнг, ўзаро тажриба алмашиш бошланди. Инструктор Маҳкам Кенжаев яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида кўргазмали агитациянинг роли ва аҳамияти юзасидан ўтказилган семинарда қатнашган эди. У ана шу семинар таассуротларини гапириб берди. Ўртоқ Л. В. Фёдорова эса район хотин-қизлар Советининг иши ҳақида гапирди. У «Бўка» совхози хотин-қизлар Советининг ишидан ибрат олса арзийди, деб айтди. Совхозда хотин-қизлар актив жамоатчи сифатида меҳнат қилишяпти. Бироқ райондаги Карл Маркс номли, Жамбул номли колхозларнинг хотин-қизлар Советлари ташаббус кўрсатиб ишламаётирлар. Шу туфайли бу хўжаликларда хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча шароит яратилмаган.

Машғулот охирлай деб қолганда хонага район партия комитетининг секретари Абдулла ака Раҳимов кириб келди. У инструкторлар билан ҳол-аҳвол сўрашар экан, «Ленин йўли» колхози партия ташкилотининг ишини яхши ўрганганлиги, унга конкрет ёрдам бериб келаётганлиги учун инструктор Б. Пайшановга миннатдорчилик билдирди.

Гап шундаки, бу колхоз райондаги энг илғор, машина теримида ташаббус кўрсатаётган хўжаликлардан ҳисоблана д и. Лекин ана шундай машъал хўжаликда партия ташкилоти амалга ошираётган ишлар талабга жавоб бермайди. Партия ташкилотининг секретари Бекзар Абазаров хўжалик ходимига айланиб қолган. Колхоз партия ташкилоти агитаторлар, хотин-қизлар Совети билан ишлаш, янги кишини тарбиялаш масаласига кам эътибор бермоқда. Партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи група па ва комсомол ташкилотининг ишига раҳбарлик ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Инструктор Пайшанов ва бошқа активларнинг ёрдамида бу камчиликлар ўз вақтида очиб ташланди. Колхоз партия ташкилоти ишини жонлантириш ва ҳозирги талаблар даражасига кўтариш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

Абдулла ака раҳмат айтганида ана шуларни назарга олган эди. Сўнгра у инструкторнинг роли ҳақида суҳбат ўтказди.

— Бир колхоз ёки совхозга бориб, у ердаги партиявий-тарбиявий ишларни текшириш, факт йиғиш ва сўнгра райкомга келиб справка ёзиб бериш осон, — деди у, — инструкторнинг вазифасини ана шу тарика тор маънода тушуниш ярамайди.

Тўғри, илгарилари бизда кўпинча шундай бўларди. Инструктор топшириқ олгач, уни бажариб справка ёзиб берардида, шу билан ишим битди, деб хотиржам юраверарди. Энди ундай эмас. Ҳозирги пайтда инструкторлар жойларда бўлганларида кўпроқ ташкилотчилик ишларини олиб боришга, коммунистлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтиришга эътибор беришлари керак. Иш жараёнида кўндаланг келиб қолган муаммо масалаларни ҳал этиш, айрим таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлаб, уларни муҳокама қилиб олишда «Инструкторлар куни» қўл келаяпти. Бир сўз билан айтганда инструкторлар куни — малака ошириш, тажриба алмашиш мактаби ролини ўйнамоқда.

Райком секретарининг бу гапларида жон бор. Инструкторлар куни ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида анчагина ишлар қилинди. Кадрлар билан ишлаш соҳасидаги тажрибалар ўрганилди, шунингдек ёш коммунистларни партияга қабул қилиш ва тарбиялаш, уларга рекомендация беришнинг тартиб ва қоидалари кўздан кечирилди ҳамда аъзолик бадалларини тўғри қабул қилиш, ведомостларни тўлдириш ва шунга ўхшаш партия ички ҳаётига оид масалалар, колхоз ва совхозларда тарбиявий ишларни йўлга қўйиш сингари ҳаётий муҳим масалалар ўрганилди.

Район бўйича 85 та бошланғич партия ташкилоти бор бўлса, улар райком инструкторларига, аппарат ходимларига ўз ишларини олиб боришда ёрдам бериш, ишларнинг ҳаракатини ўзгартириш, ишларнинг ҳаракатини ўзгартириш, ишларнинг ҳаракатини ўзгартири

«КЎК ОЛТИН» ҒАРАМЛАРИ

Олтин кўз яқин. Хирмончилар енг шимариб ишга тушадиган, серфайз далалардан Ватан омборларига ҳосил карвонлари жўнатиладиган ажиб дамлар етиб келди. Йил бўйи тер тўккан деҳқон ўз меҳнати самарасини кутмоқда, ҳосилни кўнгли бор чамалаб кўрмоқда. Ў, ш кезгача тўпланган ҳосили биланг на кўнглини тўқ қилиб қолмай, хозирги ғанимат кунларнинг ҳар бир дамидан унумли фойдаланиб, мажбуриятини тўла қоплаб оладиган ҳосилни тўплаш учун курашни қизғин давом эттирмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донгдор лубкор Ан Вон Сун бошлиқ бригадасида ҳам мўл ҳосил учун кураш қизғин боряпти. Барча ишлар илғор агротехника ва бой тажриба асосида ташкил қилиняпти. Бу бечиз эмас, албатта. Бригада аъзолари бу йил 308 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 200 центнердан канап пояси олишга қатъий аҳд қилишган.

Хўш, бригада лубкорлари аҳдларини қандай бажаришяпти, катта хирмон кўтаришга қандай ҳозирлик кўришяпти? Бу саволга бригада бошлиғи ўртоқ Ан Вон Сун мана бундай жавоб беради:

— Коллективимиз мўл ҳосилга пухта замин яратиб қўйишга одатланган. Баҳорда канап уруғи минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйинтирилиб, сифатли ишланган ерларга қадалди. Уруғ тупроқнинг ўз намига қисқа вақт ичида ундириб олинди. Яшил ниҳоллар бўй кўрсатгач, дарҳол қатор ораларига чуқур ишлов беришга киришдик. 20 майда экинларга ўғит бериш билан бир вақтда биринчи сувга қондирдик. Июль ойи ўрталаригача уч маротаба тўйдириб озиқлантирган бўлсак, ўғит ўбдон сингсин деб кетмакет қондириб суғордик. Шу кунгача канопзорларимиз тўрт марта сифатли культивация қилинди ва суғорилди.

Аслида канопни 6—8 марта суғориш лозим. Лекин бу йил ёз иссиқ ва қуруқ келди, сув камчил бўлди. Экинларимизни тўрт мартагина суғора олдик, холос. Сувчи ва механизаторларимизнинг ўзаро маслаҳатлашиб туришлари, ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришлари натижасида қийинчиликларни енгдик. Бу йилги ҳосилимиз аввалги йиллардагидан кўра мўлроқ бўляпти.

Биз бригада канопзорларини айландик. Пайкалдан-пайкалга ўтганимизда бригадир яхлит канопзорни кўрсатиб, ҳосилни чамалади.

— Мана, бу ернинг ҳосилини ҳосил деса бўлади. Бемалол 200 центнердан поя беради!

Бригадирнинг гапида жон бор. Канап поялари суркил. Бўси тўрт метр!

Деҳқончиликнинг ҳамма соҳасида ҳам илғор тажриба катта роль ўйнайди. Ўртоқ Ан Вон Сун бошчилик қилаётган бригада аъзолари лубкорликда бой тажриба тўплашган. Мана, уларнинг тажрибасидан бир мисол: канопни саноатбоп қилиб ўстиришга алоҳида эътибор беришади. Поянн баланд, тик ва текис ўстиришга ҳаракат қилишади. Бунга эришишда кўчат қалинлиги муҳим аҳамиятга эга. Ан Вон Сун бригадаси деҳқонлари ана шуни ҳисобга олиб, ҳар гектарда 1 миллион 600 минг туп кўчат бўлиши учун курашишади. Кўчат сони шунча бўлса, ўсимлик баланд, тик ва текис бўлиб ўсади. Шохлаб, бутоқлаб кетмайди. Поя-си силлиқ бўлади. Бундай поядан саноатда аъло сифатли канап толаси олинади.

Шу кунларда колхоз лубкорлари ўрим-йиғимга қизғин ҳозирлик кўришяпти. Канап ўримида ишлатиладиган 48 та НІІ-9 машинаси тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. Бу машиналар билан колхознинг 1104 гектар майдонидаги канап ҳосили ўрилади. Хўжалик меҳнаткашлари бу йилги мавсумда ҳар гектар ердан 180 центнердан хирмон кўтариб, она-Ватанга 22 минг тонна «кўк олтин» армуғон этмоқчилар. Хўжаликнинг илғор участкаларида канап ўрими бошланиб кетди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ДАЛАДА СЕРОБ, ДЎКОНДА-ЧИ...

Фасллар онаҳоқ ёз — саҳий ва тўкин фасл. Шу кечакундузда колхоз-совхозларнинг кайси пайкалида бўлманг, деҳқон меҳнатининг ажойиб мевалларини кўрасиз. Ширин-шакар қовун-тарвуз дейсизми, шафтолию анжир дейсизми, узум дейсизми, ҳамма ҳаммаси ҳил-ҳил пишган. Миришкор деҳқонларимиз ўз маҳсулотларини аҳолига тезроқ етказиб бериш иштиёқидалар.

Лекин деҳқонлар йўлига гов бўлаётган, маҳсулотларнинг ўз харидорларига етиб бориши учун тўсқинлик қилаётган айрим жиддий нуқсонлар ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

КИМ АЙБДОР?

Маълумки, ҳар қандай экинга ишлов беришни яхшиласангиз, ўз вақтида озуғидан, сувидан хабар олиб турсангиз, мўл ҳосили билан сизни хурсанд қилади. Шу ҳосилни шаҳар меҳнаткашларига ўз вақтида етказилса, улар «буни етиштирган деҳқонга балли», дейишади. Лекин, афсуски, айрим тайёрлов пунктларига олиб борсангизчи? Раҳмат ўрнига «бу маҳсулотингиз стандарт эмас» деган сўзларни эшитасиз, ранжийсиз. Нега дейсизми? Чунки ишловини ўрнига қўйиб парвариш қилган экинингиз сизни хурсанд қиламан деб, стандартни «бузиб» қўйганини шунда биласиз. Бундай маҳсулотлар эса пункт ва базаларда кабул қилинмайди. Бу ташкилотлар орқали аҳолига сотиш учун ҳам чиқарилмайди.

Ана шу ерда деҳқон меҳнатининг маҳсулини тайёрлов пунктларига келтирган колхоз шоферлари сарсон-саргардонликка учрайдилар. Машинадаги маҳсулотни пунктма-пункт, заводма-завод олиб боришади. У ердаги раҳбарларга ялинишади. Улар эса, ҳавсала қилишса бундай ностандарт маҳсулотни қабул қилиб олишади, бўлмаса шоферни келган йўлига қайтаришади.

Стандартга тўғри келмаган маҳсулотлар тайёрлов пунктларига қабул қилинмай колхоз пайкалларида, омборларда кўплаб чириб кетмоқда, нес-нобуд бўлмоқда. Ҳатто тайёрлов пунктларининг ўзида ҳам кўплаб исроф бўлмоқда.

Илгари тайёрлов пунктлари кабул қилмайдиган ностандарт маҳсулотлар даланинг ўзида катта-кичиклигига қараб ажратилар ва стандарт бўлгани пунктларга жўнатилар эди. Пунктга юборилмаган маҳсулотлар эса, колхознинг шаҳардаги дўконларида арзон баҳолар билан аҳолига сотилар эди.

Энди-чи? Колхоз дўконларининг ҳаммаси ёпиб қўйилган. Стандартга мос бўлмаган маҳсулотларни бирон ерга келтириб сотиш учун колхозларга рухсат этилмайди. Улар олдин давлат планини бажаришлари шарт. Плани бажаришгани тақдирдагина ностандарт маҳсулотларни сотиш имкониятига эга бўладилар. Айрим ҳолларда бунга ҳам рухсат этилмайди. То рухсат берилгунича қанча-қанча маҳсулотлар чириб кетади. Шунинг учун ҳам колхоз дўконларини қайта ташкил қилиш лозим. Савдо ташкилотларининг раҳбарлари ёки шу масала билан шуғулланувчи кишилар бу масалани тезда ҳал қилиб беришса фойдададан ҳоли бўлмас эди. Шундагина етиштирилган маҳсулотларнинг ҳаммаси аҳолига ўз вақтида етказиб берилган бўлур эди.

ПЛАНДАН ОШИҚЧАСИНИ НИМА ҚИЛАМИЗ?

— Яхши меҳнат қилсак, мўл-кўл ҳосил оламиз, — дейди Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ғ. Абдуллаев. — Лекин етиштирган маҳсулотимизни шаҳар меҳнаткашларига ўз вақтида етказиб бериш имкониятига эга эмасмиз. Пландаги маҳсулотни ўзимизга биркитиб қўйилган базага топширамиз. Ошиқчасиничи? Ана шу томони муаммо масала бўлиб қолмоқда. Турли ташкилотларга югуриш керак. Бир неча жойлардан ҳужжат тўғрилаш керак..

Келинг, яхшиси шу қоғозбозлик нималардан иборат эканлигини бир кўрайликчи? Колхоз мевазорларида бу йил олма серҳосил бўлди. «Ташзаготплодоовошч»нинг 5-базаси бу колхоздан 80 тонна олма қабул қилиб олишни планлаштирган. Шаҳар аҳолисининг олмага талаби кўпроқ бўлса, пландагидан кўпроқ олма қабул қилиб олиш ҳам мумкин. Шундай бўлаяпти ҳам. Колхоз шу кунгача бу базага 80 тонна ўрнига 134 тонна олма етказиб берди. Колхоз олмазорларида яна 70 тоннадан кўпроқ ўртаги олма бор. У узоғи билан 10—15 кун ичида ўз харидорига етказиб берилмаса исроф бўлиши аниқ.

Колхоз раиси Ғуломмаҳмуд ака бутун ишларини йиғиштириб қўйиб, шу масала билан шуғулланабошлади. «Ташзаготплодоовошч»нинг 5-базаси мудири ўртоқ Саидвали Хонхўжаев шу олмадан яна 20 тоннасини қабул қилиб олишга ваъда берди. Хўш, қолган 50 тоннасини нима қилиш керак?

Колхоз раиси область матлубот кооперацияси жамияти правлениеси раисининг ўринбосари ўртоқ Анвар Иброҳимовга воқеани тушунтирди. Расмиятчиликни қарангки, колхоз раиси бу ўртоққа рўпара бўлишдан олдин Калинин район қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари ўртоқ Макашевга рўпара бўлиши, у кишидан қойдаси жойига қўйиб ёзилган хат олиши керак экан.

Ана шу ҳужжатларнинг ҳаммаси расмийлаштириб бўлингач, у ердаги ўртоқлар бирон кўрсатма бергунча орадан ҳафталаб, ойлаб вақт ўтиб кетиши ҳеч гап эмас. То бу масала ҳал этилгунича, пишиб етилган олманинг 20—30 процанти чиқитга чиқади. Миришкор соҳибкорларимиз етиштирган маҳсулотларнинг тақдири ана шунақа расмиятчилик, қоғозбозликка боғлиқ бўлиб қолмоқда.

ПУНКТДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Бу колхоз ҳар куни тайёрлов пунктига 5 тонна, Тошкент консерва заводига 10 тонна помидор топшириши керак. Колхоз пайкалларидан эса кунига 20—25 тонна помидор териб олинмоқда. Шунинг 15 тоннаси жўнатилиб, қолгани ириб-чириб йўқ бўлмоқда.

Шу колхоздан помидор олиб борган 94—85 ТШБ автомашинасининг шофери Зикир Хожиев ва 49—09 ТШБ автомашинасининг шофери Тўйчи Салимов ўртоқлар 4 август куни эрта билан заводга боришган бўлса, колхозга ролпа-роса бир кечаю-бир кундуздан кейин қайтиб келишди. Улар шунча вақт навбат кутишипти. Заводда маҳсулот қабул қилиб олиш яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли шундай бўлмоқда.

Базадачи? Бу ердаги аҳвол ҳам шунга ўхшаш. Картошкага харидор йўқ. Уни келтириб, тўкиб қўйишга бўш ўрин ҳам йўқ. Колхозда эса давлатга топшириш учун 30 тоннадан кўпроқ картошка бор. Бу картошкани олиб боришса, база ходимлари қабул қилишмайди. Чунки колхоздан олиниши лозим бўлган эртаги картошкани база аллақачон қабул қилиб бўлган. Колхоз эса бу картошкани бирон ташкилотга ўз йўли билан сотаолмайди.

База мудири ўртоқ С. Хонхўжаев шу Карл Маркс номли колхоздан 10 тонна қизил лавлаги қабул қилиб олган. Лекин унга харидор йўқ. Ҳозир шу лавлагилар чириб кетмоқда. Агар шу лавлаги чириб йўқ бўлиб кетса, зарар база ходимлари гарданига тушади.

Ҳамма маҳсулот турлари бўйича ҳам шундай ачинарли аҳвол содир бўлмоқда. Оқибатда аҳолига турли-туман маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмайди. «Бор онангга, бор отангга» бўлиб, деҳқон пешона тери билан етиштирилган кўплаб маҳсулотлар ўйламай-нетмай берилган турли кўрсатмаларнинг қурбони бўлмоқда.

ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Гапнинг очиғини айтиш керак, маҳсулот тайёрловчи база ва пунктлар ҳам, уни аҳолига етказиб берувчи савдо тармоқлари ҳам, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ташкилотлар ҳам ўз олдиларига қўйилган вазифани кўнгилдагидек бажаришмаяп т и, шу куннинг талабига мутлақо жавоб беришмаяпти.

Тайёрлов пунктлари, савдо тармоқлари, маҳсулотлар н и қайта ишлаш ташкилотлари ўртасида узвий алоқа йўқ. Натижада кўплаб тайёрлов пунктларида қабул қилиб олинган, ностандарт деб колхоз-совхозларга қайтариб юборилган, савдо тармоқларида, сотилмай қолган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўплаб нобуд бўлмоқда.

Мавжуд камчиликларни тугатиш учун бу ташкилотларнинг ишини тубдан қайта қуриш керак. Ёз ноз-нематини тўғри пайкал ва боғнинг ўзидан келтириб аҳолига етказилса жуда яхши бўлар эди. Шу кеча-кундуздаги аҳвол эса тамомила бошқача. Маҳсулот харидорни, харидор эса маҳсулотни топа олмайди. Топилган маҳсулотларнинг ҳам тури кам, ҳам сифати паст бўлмоқда. Бундай ҳангомаларга тезда чек қўйиш керак.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Помидорнинг «Юсупов» деб аталган нави ўн йилдан буён республикамиз хўжаликларида экиб келинаяпти. Помидорнинг бундай ажойиб навини Ўзбекистон сабзавот картошка ва полиз экинлари илмий текшириш институтининг селекционери Карим Юсупов яратган. У шу кеча-кундузда янги юқори ҳосилли навлар яратиш устида қизғин иш олиб бормоқда. Бу ишнинг дастлабки самаралари қувончли бўляпти. Суратда: селекционер ўртоқ Карим Юсупов ўзи консервабоп қилиб яратган помидорнинг янги нави ҳосилини кўздан кечирмоқда.

В. САЛОВ фотоси.

Айрим тайёрлов ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида деҳқоннинг пешона тери билан етиштирган сабзавот маҳсулотлари далада нобуд бўляпти. Мана бу икки фотоайбномада «Қорасув» совхозининг 1-бўлими далаларида рўй бераётган ачинарли аҳволни кўриб турибсиз. Юқоридаги суратда яшикларга териб қўйилган бир неча тонна ириб ётган помидор акс эттирилган. Пастдаги суратда эса карам ҳосили нес-нобуд бўлиб ётибди.

Ш. Амиров фотолари.

ЭНГ УЗОҚҚА ЧИДАИДИГАН МЕВАЛАР

РОСТОВ-ДОН. Бир литрли банкага лиқ тўлдирилган туршакнинг оғирлиги 90 граммдан ошмайди. Бу — Ростовдаги «Смичка» консерва заводида ишга туширилган янги сублимацион қуритиш цехининг биринчи тайёр маҳсулоти. Агар сиз шу туршак солинган банкага сув қуйсангиз, унинг ичидаги туршак сувни шимиб, ўзининг тусини, хушбўй ҳидини, витаминларини сақлаб қолган 600 грамм янги узилган ўрикка айланади.

Сублимация аппаратида музлатилган маҳсулотлар чуқур вакуум ичида қуритилади. Сублимация цехи хилма-хил маҳсулотлар: хом ва пишган гўшт, сузма, тайёр шўрва ва борш, сабзавот, ҳар хил мевалар чиқармоқда.

Сублимация қилинган маҳсулотлар ўзининг барча тўйимли хусуниятларини ва табиий мазасини узоқ вақтгача сақлайди.

ПОЙТАХТНИНГ ЭНЕРГЕТИКА ХЎЖАЛИГИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон пойтахтини н г энергетика хўжалигига янги подстанция қўшилди. Бу подстанция Тошкентнинг шарқишимолий чеккаларини, академик шаҳарчани, Луначарский посёлкасини электр токи билан таъминлашиш яхшилайди. Подстанциянинг қуввати 31.500 киловольт-ампердир. Подстанция билан комплекс тарзда Тошкент ГРЭСидан юқори вольтли линия ўтказилди.

Бу ишларни «Средазэлектросетьстрой» трестининг коллективи бажарди. (ЎзТАГ).

МАЙИН ВА СИФАТЛИ

Ўзбекистон корхоналарида тайёрланаётган пахта толалари ўзининг физикавий ва механик хусуниятлари билан жаҳонда энг яхши деб тан олинган. Лекин толани тоза тайёрлаш ҳар вақтда ҳам тўқимачилар талабига тўла жавоб бермаяпти. Москвалик ва ленинградликлар ташаббусига қўшилиб ҳозирги кунда республика пахта тозалаш саноати ходимлари фақат аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кураш бошладилар.

— Юқори сифатли тола ишлаб чиқариш кўрсаткичи шу кунгача 5,5 процентга ошган, — дейди Ўзбекистон халқ хўжалиги кенгаши пахта тозалаш ва луб саноати бошқармаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўртоқ П. Костюк. Аъло сифат учун бошланган курашда Ленин, Учқўрғон ва Наманганди 2-пахта заводлари коллективлари ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Она-Ватан бўйлаб

ОЛМОС ФАБРИКАСИ

МИРНИЙ (Якутия АССР). Руда ташиладиган янги йўл руда конларига яқинлашиб қолди. Таркибида олмос бўлган руда қазиб олинадиган коннинг манзараси бу ердан яққол кўриниб турибди.

Кон қазиб олинадиган жуда катта жойнинг атрофида ўлкан экскаваторлар бамисоли чумолидек ўрмалаб юрибди. Бу экскаваторлар кечаю-кундуз тинмай ишлаб, кондан қазиб олинган олмос рудани агдарма машиналарга юкламоқдалар.

Олти километрли янги бетон йўл қурилаётган олмос фабрикасининг устига алюминий панеллар қопланган баланд корпусларига олиб боради.

Қисқа муддат ичида 12 минг тоннадан кўпроқ ускуналар ва металл конструкциялар монтаж қилинди ва ўрнатилди.

Узоқ Якутияда катта олмос фабрикасини қураётган кўп минг кишилик коллектив Бинокорлар байрамини графикда кўрсатилган ишларни муддатидан анча олдин бажариш билан кутиб олмоқда.

(ТАСС).

ҚИЗИЛҚУМДА БИР ЙИЛ

ҚИЗИЛЎРДА. Қизилўрда областида тузилган қўйчилик фермалари ўзларининг бир йиллик байрамларини янги қурилишларни ишга тушириш билан кутиб олдилар.

«Жана қора» совхозининг марказий посёлкасида биринчи кўчавужудга келди. Қизилқумдаги қарийб ярим миллион гектар ерга жойлашган бу хўжаликдаги қоракўл қўйларнинг сони 26 минг бошга етди. Ҳар юз совлиқ қўйдан бу йил биринчи марта 114 тадан қўзи олинди. Қоракўл қўйларнинг сони 70 минг бошга етказилади. Совхоз ток, мева дарахтлари экиб, катта-катта боғлар қурмоқда, унинг полизлари ҳам бор. Янги экилган бодрингнинг биринчи ҳосили териб олинди. Янги пишган тарвузлар узила бошлади. Артезиан қудуқлари қазилиб, ерлар суғорилаётганлиги туфайли Қизилқумда мана шундай ўзгаришлар рўй берди.

Бошқа олтита янги совхозда ҳам шундай экинзорлар пайдо бўлди.

ХОЛИС ХИЗМАТ МАРШРУТЛАРИ БИЛАН

РОВНО. Автомашиналар колоннаси дала йўлидан ғизиллаб ўтиб кетдида, бир пастда дала шийпони ёнида саноат ва озиқ-овқат моллари сотадиган дўконлар, ателье, этикдўзлик, сартарошхона ва ошхонадан иборат бир «шаҳарча» қад кўтарди. Машиналардан бирига маиший комбинат дурадгорлик цехининг буюмларидан намуналар қўйилган. Ана шу буюмларни ясаб бериш ҳақида шу ернинг ўзида заказлар расмийлаштирилмоқда. Шу орада агиткультбригада томошалар кўрсатишга ҳозирланмоқда.

Лектор колхозчиларга шу кунги воқеалардан гапириб беради. Сўнгра концерт бошланади, концерт тамом бўлгунча культ-армейслар маҳаллий материал асосида «Молния» чиқаришга улгурадилар.

Яна йўлга чиқилади. Украина КП Дубровица район комитети тузган агитпоезд шу зайлда қишлоқма-қишлоқ юрибди. Областнинг баъзи бошқа районларида ҳам ана шундай автопоездлар ташкил қилинди.

СЕРГЕЙ ЕСЕНИН КЎЧАСИ

РЯЗАНЬ. Сергей Есенин туғилган кунга кузда 70 йил тўлиши муносабати билан меҳнаткашлар депутатлари Рязань шаҳар Совети Ижроия Комитети шаҳардаги марказий кўчалардан бирига шоирнинг номини қўйди.

Бу кўчада сўнгги вақтларда кўпгина янги турар-жой ва жамоат бинолари, сузиш бассейни бунёдга келди. Ҳозир областда биринчи кенг формали стереофоник кинотеатр қурилмоқда.

СИНТЕТИК ОЛИФА

УФА. Новоуфимский нефтни қайта ишлаш заводи синтетик олифа ишлаб чиқара бошлади. Заводда бундай олифа қўшни корхоналарнинг маҳсулотларига аралашиб чиқадиган маҳсулот-пиролиз смоласидан олинмоқда. Синтетик олифа ишлаб чиқариш технологияси химик инженер Г. Сапунов раҳбарлигида заводнинг тажриба-тадқиқот цехида ишлаб чиқилди.

Синтетик олифа Новоуфимский нефтни қайта ишлаш заводи етти йиллик даврида ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олган 51—маҳсулотдир.

„ОСМОН ЎТ ИЧИДА“

Тошкентлик адиб Николай Борискин китобхонларга ўзининг «Осмон ўт ичида» номли янги романини тақдим этди. Романда Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлари ва ойлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Китоб автори Улуғ Ватан урушининг оғир мактабини олди ва осмонда ўтказди. Роман темаси душман калхатларига қарши олиб борилган осмон жангларига бағишланган. Бу тема авторга жуда яқин ва таниш-дир. Асар авторнинг алангали йилларда ўтган таржимаи ҳолига ўхшайди. Роман воқеалари Москва остоналарида турган ҳаво эскадрильяларидан бирида бўлиб ўтади. Ёш жанговар учувчилар — младший лейтенант, комсомол аъзоси Кузнецов, тошкентлик младший лейтенант Жўра Назаров эскадрильяга келишади. Улар жанговар машиналарда учиш учун ҳали етарли равишда тажрибага эга бўлмаган ёш учувчилар эдилар. Эскадрильяда улар «И-16» машинаси ўрнига «Чайка»ни ўрганишади. Группа бўлиб учишлар ва қўнишларни, тунги парвоз ва учиш маҳоратини такомиллаштиришни машқ қилишади, буларнинг ҳаммаси душманнинг ҳаво атакалари остида ўтказилади. Автор ёш учувчиларнинг учиш маҳоратини пухта эгаллаб, ҳаво жангларида мардлик кўрсатишларини ва она-Ватанга бўлган садоқатларини жонли бўёқларда акс эттирволган.

Асарда комиссарлардан Сокольев билан Панасов, техник Трефимовларнинг индивидуал ва қўпқиррали характерлари тасвирланади. Эскадрилья старшинаси Ханига дилкаш одам, аммо, камчиликлардан ҳам ҳоли эмас у.

Романда комбриг Лобовнинг образи ҳам ёркин берилган. Эскадрилья командири Лобов ўтмишда комбриг бўлган, шахсга сиғиниш йилларида ноҳақ қамалган ҳарбий командирлардан биридир. Лобов урушнинг дастлабки ойларида жанговар ҳарбий-ҳаво қисмларидан бирига келади. Лекин уни эскадрилья командири қилиб ишга тайинлайдилар. Лобов ўз вазифасини садоқат билан ўтайбошлайди. У душман кучини тўғри баҳолайди, ҳар бир учувчидан зўр маҳорат кўрсатишни талаб қилади, уларни энг оғир жангларга тайёрлайди. Лобов образи китобхонда алоҳида меҳр-муҳаббат уйғотади. У, дилкаш, самимий одам. Катта ақл ва қалб эгаси, жасур киши, ажойиб тарбиячи.

КИТОБХОНЛАР ЯНГИ КИТОБЛАР ҲАҚИДА

Уруш боряпти, душман еримизни оёқости қиляпти. Шаҳарларимизни вайрон этяпти, ваҳима соляпти. Унга зарба беришга шошилиш керак. Шу онда ҳар бир учувчининг кўнглига йўл топиб ўтириш зарурми? Тезроқ самолётга. Тезроқ душман билан учрашишга... Лобов ана шу ўй-хаёл билан яшайди.

Ҳа, шундай бўлиши керак. Шундай бўлади ҳам. Ватанпарварлик ва душманга нафратнинг ўзигина етарли эмас. Командир ва тарбиячи Максим Лобов буни яхши билади. У улуғ ғалабани қўлга киритиш учун ёш қалбларни эҳтиёт қилиб асрайди. У, ғалабага эришиш учун жасурликнинг ўзигина кифоя қилмаслигини яхши тушунади. Бунинг учун билим, маҳорат ҳам керак.

Романнинг бош қаҳрамони Митя Кузнецов Лобов насиҳатлари ва таълимига дастлаб бепарво қарайди. У урушга шошилади. Бошқа учувчилар ҳам ўз командирини тезда тушуна олишмайди. Бунинг натижасида тажрибасиз ёш учувчилар маккор душман билан бўлган шиддатли ҳаво жангларида ҳалок бўладилар, тажрибасизлик қилиб, хатоларга йўл қўядилар. Лобов таълимини олган, жангларда чиниққан Митя Кузнецов, Жўра Назаров каби довюраклар эса душман ҳужумларини енгадилар ва катта ғалабани қўлга киритадилар.

Биринчи китоб ана шундай тамом бўлади. Бизникилар чекинишади. «Осмон ўт ичида» асарининг охирги боблари зўр кўтаринки руҳда ёзилган. Кейинги китобда кўпгина қизиқарли ва кутилмаган воқеалар бўлишини сезиб турасиз. Чунки кўпгина саволлар, энг муҳими — Митя Кузнецов, Лобов ва бошқа қаҳрамонларнинг кейинги тақдири қандай бўларкин? — деган қизиқиш ҳаяжонга солади ўқувчини.

Китоб енгил, қизиқарли ўқилади. Учувчиларнинг машқлари ва ҳаво жангларини тасвирловчи эпизодлар яхши ёзилган. Автор табиатни нозик дид билан тушунади, кишиларнинг характерлари, уларнинг индивидуал хусуниятларини қизиқарли тасвирлайди.

Бу китобнинг кенг китобхонлар оммасига етиб боришини ва уни ўзбек тилида ҳам нашр этилишини истаймиз. Николай Борискиннинг китоби ёшларимизни она-Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялайди. Уларни мардлик ва жасоратли бўлишга ўргатади.

Санда АЗИМОВА.

ШИФОБАХШ ДОРИ

Арманистон Фанлар Академиясининг нозик органик химия институтида яратилган мебедрол деган янги препарат яхши шифобахш дори бўлиб чиқди. Бу дори билан асабий касалликлар ва бир канча спазматик касалликлар даволанмоқда. Мебедрол паркинсон касалдигининг ўсишини енгиллаштиради. Бронхи астмасининг баъзи формаларига ҳам яхши таъсир қилади. (ТАСС).

Дунё воқеалари

ПЛАНЕТА ОВОЗИ

ЖАҲОН ЎТГАН ҲАФТА ИЧИДА

«КИЧИК ЕВРОПА» БОШИ БЕРК КУЧАГА КИРИБ ҚОЛДИ

«Кичик Европа» деб аталган олти мамлакатнинг (Германия Федератив Республикаси, Франция, Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург) ўзларининг қишлоқ хўжалигига доир сиёсатларини бамаслаҳат келишиб олишга урина-урина, ниҳоят иш чиқара олмадилар. Уларнинг бу йўлда қилган ҳамма ҳаракатлари беҳуда бўлиб чиқди, чунки «Кичик Европа» мамлакатларидан бири, яъни Франция ўзининг давлат манфаатларидан кечишни ва қишлоқ хўжалик сиёсатининг бир қанча муҳим масалаларини ҳал қилишни қандайдир «миллатлар устидан турадиган» орган қўлига топшириб қўйишни истамади, бундан бош тортди.

«Яшил битим» тузиш тўғрисидаги музокаралар муваффақиятсизликка учраганлиги машъум «Европа иқтисодий ҳамжамиятининг» айрим халқаларини ишга солиб турган жуда катта механизмнинг тўхтаб қолишига олиб келди. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, машъум «Европа иқтисодий ҳамжамияти» ҳеч қачон бутун Европани ўз ичига олган уюшма бўлган эмас, чунки унинг органларида фақат мазкур олти мамлакатнинг вакилларигина иштирок қилиб келди.

Эндиликда «Кичик Европа» тағин ҳам кичикроқ бўлиб қолади. Франция «Европа иқтисодий ҳамжамиятининг» ҳамма органларидан ўз вакилларини чақириб олди. Аммо, Франциянинг «Умумий бозор» бўйича шериклари бундай бойкот қилиш ахир бир кун тўхтатилади ва занглай бошлаган механизм яна ишга туширилади, деб умид қилмоқдалар.

Шундай бўлса ҳам, Ғарбдаги сиёсий обзорчиларнинг ҳеч бири бу тангликнинг тез бартараф қилиниши учун реал имкониятлар бор, деган хом хаёллар билан ўзини юпатаётгани йўқ.

Гап шундаки, «Европа иқтисодий ҳамжамияти» аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар фақат қишлоқ хўжалик сиёсатининг айрим проблемаларигагина тааллуқли эмас. Бу келишмовчиликлар анча кўпроқ масалаларни ўз ичига олади. Европанинг келажагига қарашда бир-бирига бутунлай зид бўлган нуқтаи назарлар бир-бири билан тўқнашиб қолди. Бошқа баъзи мамлакатлар қўллаб-қувватлаётган Ғарбий Германия Ғарбий Европанинг «интеграция» қилинишига, яъни Ғарбий Европа мамлакатларининг Америка-Ғарбий Германия бошчилигидаги қандайдир давлат бирлашмасига астасекин қўшилиб кетишига эришиш ниятидадир. Аммо, Франция «ватанлар Европаси»ни мустаҳкамлашни таклиф қилмоқда. Бу таклифга кўра, ана шундай «ватанлар Европасида»да ҳар бир мамлакат ўзининг миллий мустақиллигини ва ўз сиёсатини танлаб олиш эркинлигини сақлаб қолган бўлур эди.

Яқинда Брюсселда Франция вакилларининг иштирокисиз «Кичик Европа» министрларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари шу йил октябрь-ноябрь ойида яна бир тўпланиб, кенгаш ўтказиш тўғрисидаги қарордан бошқа ҳеч қандай қарорга келмадилар.

ГРЕЦИЯ: КАЛАВАНИНГ УЧИ ОКЕАН НАРЕҒИГА БОРИБ ТАҚАЛМОҚДА...

Грециядаги кескин сиёсий курашнинг ривожланишида августнинг биринчи ҳафтасида янги босқич бошланди. Парламентда уч кун давом қилган қизғин музокаралардан кейин Афанасиадис-Новас ҳукумати маглубиятга учради ва истеъфо берди. 15 июлдаги чинакам давлат тўнтариши натижасида король Константин томонидан ҳокимият тепасига чиқариб қўйилган ва король саройининг малайи бўлган бу ҳукумат ағдарилганлиги тўғрисидаги хабарни намойишчилар ғоят хурсанд бўлиб кутиб олишди. Шуни айтиш керакки, ўтган ойнинг ўтталарида сиёсий кураш бошланганидан бери намойишчилар Афина кўчаларини тарк қилмаган эдилар.

25 яшар король Марказ иттифоқи партиясининг раҳбари, бош министр, 77 яшар Георгиос Папандреуни бош министрлик лавозимидан бўшатиб юборишга қарор қилганидан кейин, Грециядa ҳукумат танглиги бошланиб кетди. Король саройи томонидан бир неча ойдан бери тайёрланиб келган фитнанинг баъзи тафсилотлари энди маълум бўлиб қолди. Папандреу тарафдорларининг айтишича қараганда, королнинг энг яқин маслаҳатчилари Арнаутис ва Коидас, шунингдек король опаси Фредерика Германия империяси охирги императорининг набираси, ҳокимиятпараст ва очкўз аёл бу фитнанинг асосий ташкилотчилари бўлганлар. Греклар бу ҳотинни фақат «Фрики» деб атайдилар. Бу сўзнинг таржимаси «даҳшат» демакдир.

Бироқ, халқаро матбуотнинг бир қанча нуфузли органларида баён қилинган фикрга қараганда, фитна калавасининг ипи Грециянинг ўзида ўзилиб қолмасдан, балки унинг учи мамлакатдан ташқарига, океан нарёғига ҳам ўтиб кетган. Франциядаги «Париматч» журналининг кейинги сонида босилган хабарда айтилишича, король Константин аввал АҚШ давлат департаментининг ёрдам бериш тўғрисидаги ваъдасини олиб, сўнгра Папандреуга қарши кураш бошлаган. Бу фитна режалари деб ёзади журнал, Унстон Черчиллни дафн қилиш маросими вақтида тузилган эди. Ўшанда АҚШ давлат секретари Дин Раск «ўжар» бош министрни четлатиш тўғрисида король Константинга принципиал розилик бериб, агар давлат тўнтариши исён бошланишига ва янги граждан урушига олиб келса, бу ҳолда Қўшма Штатлар бунга аралашади, деб ваъда ҳам берган. Грекларнинг Афанасиадис-Новасга қарши кейинги вақтларда ўтказган намойишлар вақтида «Король саройи ва америкаликлар тузган ҳукумат йўқолсин!» деган шиорни жуда кўп марталаб кўтариб чиққанликлари ҳам тасодифий эмас эди, деб ёзади «Пари матч» журнали.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

Қўғирчоқ ҳукмронлар мамлакати бўлган Жанубий Вьетнамда «ёғлиқ жойларни» эгаллаб олиш учун яна ур-йиқит авж олмоқда. Ғарбдаги газеталарнинг Сайгондаги мухбирлари ҳозирги «бош министр» генерал Кининг аҳволи «жуда мушкул бўлиб қолди», деб баҳо бермоқдалар. Жанубий Вьетнам пойтахтидаги ҳарбийлар доираси «бир соатлик диктаторлик» лавозимига генерал Ки ўрнига биринчи армия корпусининг қўмондони генерал Тхини янги номзод қилиб кўрсатиш режаларини туза бошладилар.

Навбатдаги тўнтариш қачон қилинишини ҳеч ким ҳозирча олдиндан айтишга жўръат қилаётгани йўқ. Ҳар ҳолда, Вашингтон бунга энди унчалик қизиқаётган бўлса керак. Қўшма Штатларнинг раҳбарлари энди қўғирчоқлардан ҳафсалалари пир бўлиб, Вьетнам халқига қарши уришаётган мамлакат ролида ошкора чиқишга қарор қилдилар. Буни, жумладан, Америка қўшинларининг янгидан-янги қисмлари Жанубий Вьетнамга келтирилаётганлиги кўрсатиб турибди. Вьетнамда олиб борилаётган уруш учун АҚШ ҳукумати янгидан-янги катта маблағлар ажратаётганлиги ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Лекин ўз озодлиги учун курашаётган халқни Америка халқи ҳеч қачон енга олмайди. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг 2 августда эълон қилинган баёнотида кўрсатиб ўтилганидек, «Америка империалистлари, ҳатто юз минг ёки икки юз минг, ёхуд тағин ҳам кўпроқ америка солдатларини юборганлари тақдирда ҳам, кураш, ҳатто ўн йил, йигирма йил ва ундан ҳам кўпроқ давом этган тақдирда ҳам, Вьетнам халқи тўла ғалаба қозонгунча курашишга маҳкам бел боғлаб қўйган».

А. КРАСИКОВ.
(ТАСС).



Нова Гута — Польшанинг энг ёш ва гўзал шаҳарларидан биридир. Бу ерда ҳамма қулайликларга эга бўлган юзлаб турар-жой бинолари, 500 дан ортиқ маданий-маиший корхоналар бўлиб, уларнинг ҳаммаси кейинги йилларда бунёдга келтирилди. Мамлакатнинг йирик металлургия маркази бўлган бу шаҳар тобора кенгайиб бораяпти. Суратда: Нова Гута марказида.

В. Соболев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚОЧОҚЛИК АВЖ ОЛДИ

ХАНОЙ, 7 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам қўғирчоқ ҳукуматининг армияси Жанубий Вьетнам ватанпарвар қуролли кучларининг зарбалари остида бирдек емирилиб бормоқда. Бутун-бутун бўлинмалардан иборат Сайгон қўшинларининг юзлаб солдатлари қўлидаги қуроли билан халқ томонига ўтиб кетмоқда ёки ўз оилалари ҳузурига қайтиб келмоқда, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги Озодлик агентлигига асосланиб.

Ми-Тхо вилоятида июль ойининг ўзида қўғирчоқ армиясининг 400 дан ортиқ солдат ва офицери озодлик армияси томонига ўтди. Июнь ойида ватанпарварларнинг Ми-Хань-Донг атрофида муваффақиятли ўтказган жанг ҳаракатларидан кейин ана шу вилоятда қочоқлик, айниқса, авжига чиқди.

Маълумки, Ба-Жиа вилоятида ватанпарварлар июнь ойида америкалик ва сайгонлик жаллодлар устидан бир неча марта салмоқли ғалабаларга эришганларидан сўнг 300 солдатдан иборат бутун бир батальон ватанпарварлар армияси отрядларининг яна ҳужум қилиб қолишидан қўрқиб, уй-ойига қочиб кетган эди.

Июль ойининг бошларида қўғирчоқ армиясининг 200 га яқин солдат ва офицери Тху-Дау-Мот билан Жиа-Динь яқинида қўлидаги қуроли билан халқ томонига ўтиб кетди.

ВЬЕТНАМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

ХАНОЙ, 7 август. (ТАСС). Вьетнам хотин-қизлар иттифоқи Америка империалистларининг Жанубий Вьетнамга қўшимча 50 минг солдат юбориш ҳақидаги қарорини қоралаб, хотин-қизлар халқаро демократик федерациясига мактуб юборди, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги.

Америка империалистларининг бу иши, дейилади мактубда, Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушни кучайтириш ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши уруш ҳаракатларини янада кенгайтириш йўлида қўйилган тағин бир қадам бўлиб, Ҳиндихитойда ва Шарқий-Жанубий Осиёда кескинликни кучайтирувчи чорадир.

Вьетнам хотин-қизлари шу йил 2 ва 3 августда Жанубий Вьетнамнинг Да-нанг яқинидаги қишлоғида ўт ёғдирадиган қурол билан юзтача уйни ёндириб юборган ва тинч аҳолидан юздан ортиқ кишини ўлдирган Америка агрессорларининг чидаб бўлмайдиган жиноятини қораладилар.

Вьетнам хотин-қизлар иттифоқи, дейилади мактубда, бутун дунё хотин-қизларини АҚШнинг агрессив интилишларига қарши норозилик билдиришга ҳамда АҚШ Жанубий Вьетнамдаги урушни дарҳол тўхтатсин ва у ердан ўзининг ҳамма қўшинларини олиб чиқиб кетсин, шунингдек Вьетнам Демократик Республикаси г а қарши вайронагарчилик урушини тўхтатсин, деб талаб қилишга даъват этишни хотин-қизлар халқаро демократик федерациясидан сўрайди.

КЕСКИНЛИК КУЧАЙМОҚДА

ҚОҲИРА, (ТАСС). МЕН агентлиги Хартумдан хабар беради: Судан ҳукуматининг қўшинлари жанговар тайёр ҳолга келтирилди.

Мамлакат жанубида вазият кескинлашганлиги сабабли, шундай чора кўрилди. Кейинги вақтларда Судан жанубидаги уч вилоятда — Баҳрилғазол, Юқори Нил ва Экватор вилоятларида яшовчи негр қабилалари орасида ғалаёнлар кучайиб кетди. Ҳукуматга қарши бўлган қабилалар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида энг жанубий вилоятда — Конго билан чегарадош Экватор вилоятида, айниқса, тез-тез тўқнашувлар бўлиб турибди.

Бош министр ўринбосари Раҳмон кеча Омдурман радиоси орқали гапириб, ғалаён бўлаётган районларга хавфсизлик кучларининг янги қисмлари юборилаётганлигини айтди.

Окинава аҳолисининг норозилиги

ТОКИО, 7 август. (ТАСС). Хиросима шаҳри устига атом бомбаси ташланган куннинг 20 йиллиги муносабати билан Японияннинг АҚШ босиб олган Окинава ороллари маъмурий маркази-Нахада кеча митинг бўлиб ўтди. Митингда окинаваликлардан бир неча юз киши — ишчилар, турли ташкилотларнинг намояндалари қатнашдилар.

Киодо Цусин агентлигининг хабар беришича, митинг қатнашчилари ядро синовларига, ядро қуролининг тўпланиши ва тарқатилишига қарши норозилик баёнотини маъқулладилар.

Митингда америкаликлар Окинавадаги базалардан Жанубий Вьетнамни бомбардимон қилиш учун фойдаланаётганликларига қарши норозилик резолюцияси, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини қоралаб ҳамда Американинг ядро қуролини Окинавадан дарҳол олиб чиқиб кетиш ҳақидаги талаблар баён қилинган резолюция ҳам қабул қилинди.

РУС МУЗИКАСИ ФАХРИ

(А. К. ГЛАЗУНОВ ТУҒИЛГАН КУНГА ЮЗ ЙИЛ ТЎЛДИ)

Суратда: А. К. ГЛАЗУНОВ.

(ТАСС фотохроникаси).

КОМПОЗИТОР, дирижёр, педагог, консерватория директори Александр Глазунов ўзининг бутун ҳаётини музикага, санъатнинг таржимасиз ҳам тушуниладиган ана шу турига бағишлади. Унинг ижоди Глинка, Римский-Корсаков, Чайковский, Бородин ва Балакиревлар ижодининг муносиб давомидир.

Музикага бўлган қобилият унда жуда эрта уйғонди. 14 ёшидан бошлаб у «улуғ сеҳргар» Римский-Корсаков қўлида таҳсил кўрди ва бир ярим йил ичида асосий композиция соҳаларини тез эгаллаб олди. Глазунов ўзининг биринчи симфонияси машҳур композитор Балакирев дирижёрлигида ижро этилганда 16 ёшда эди.

Ёш Глазунов рус классик музикасининг ажойиб анъаналари руҳида тарбияланди, буюк композиторлар яратган асарлар унинг учун юксак маҳорат мезони бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам унинг бутун ижоди давомида халқ, Ватан, инсон, гўзаллик мавзулари етакчи ўринни эгаллаб келди.

Глазунов — қатор симфония, сюита, балетлар, фортепьяно ва скрипка учун концертлар, жуда кўп қўшиқ ва рақслар авторидир. Жумладан, турли даврларда яратилган саккиз симфонияда Глазунов музикасига хос бўлган юксак маҳоратни равшан кўриш мумкин. Айниқса, Бешинчи симфония ўзининг оҳангдорлиги, улуғворлиги ва ҳаётбахш идеялари билан жаҳон музика маданиятининг дурдонаси ҳисобланади. А. К. Глазунов рус музикасида муҳим ўрин эгаллаган симфония жанрида яна бир қатор асарлар яратди. Жумладан, унинг «Степька Разин», «Ўрмон», «Денгиз», «Кремль» сингари программали симфониялари, иккита концерт вальси, шунингдек, «Рус фантазияси» бунинг далили бўла олади.

Якка чолғу асбоблари учун ҳам Глазунов бир неча скрипка ва фортепьяно концертлари ижод қилди. 1904 йилда скрипка учун ёзилган концерти эса шинавандалар орасида жуда машҳур бўлиб кетди.

Катта музика асарлари — «Раймонда», «Фасллар», «Хизматкор-бека» балетлари Глазуновнинг зўр маҳоратидан, ҳар бир музикавий образнинг пухта ишланганлигидан дарак беради.

Глазунов моҳир дирижёр, рус музикасининг ҳормас пропагандисти ҳам эди. Чет элларда унинг концертлари доимо катта қизиқиш билан кутиб олинарди. 1907 йилда унга Кембридж ва Оксфорд университетлари томонидан фахрий докторлик даражаси берилганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Моҳир композитор ва дирижёрнинг рус музикаси маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари жуда катта бўлди. Глазунов 34 ёшидаёқ Петербург консерваториясига профессор қилиб ишга тайинланади. У Римский-Корсаков мактабининг энг обрўли вакилларидан бири бўлиб қолади.

Лекин тез орада у профессорлар составидан чиқиб кетади. У «исёнкор» Римский-Корсаковнинг консерваторнядан қувилганлиги муносабати билан қатъий ва очиқдан-очиқ норозилик билдириб, шундай қарорга келган эди. Бироқ тез орада Глазунов яна шу консерваторияга ишга чақирилади ва унинг директори қилиб сайланади. Йигирма йил давомида композитор ана шу вазифани сидқидилдан бажаради.

Октябрь революциясидан сўнг Глазунов ёш совет музика маданиятининг асосчиларидан бири бўлиб қолди. Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ленинград консерваториясининг директори А. К. Глазуновга 1922 йили республика халқ артисти деган фахрий унвон берилди. Композитор ижодий фаолиятининг қирқ йиллиги шу йили совет музикаси намояндалари, унинг кўплаб шогирдлари томонидан қизғин нишонланди.

Бугун Глазунов туғилган кунинг юз йиллигини нишонлар экамиз, унинг номини яна бир марта зўр эҳтиром ва ҳурмат билан тилга оламиз.

И. СУЛТОНОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ШВЕЙЦАРИЯ БАНКЛАРИНИНГ СИРИ

Швейцарияда ҳар 2350 аҳолига биттадан банк тўғри келади. Ғарб матбуотида бу мамлакатни капиталистик дунёнинг халқаро кассаси деб аталиши бежиз эмас. Бойиш йўлида банкирларнинг нақадар бефарқлигини уларнинг мижозлари рўйхатидан яққол кўриш мумкин.

Маълумки, Кубанинг собиқ диктатори Батистанинг талончилик билан тўпланган 90 миллион доллари, шунингдек қўғирчоқ Чомбе Конгодан олиб чиқиб кетган Катанга давлат ҳазинаси Швейцария банклари қалин деворлари ортида сақланмоқда. Тайвань жаллоди Чан-Кай-ши, Никарагуанинг ағдариб ташланган диктатори Сомаса ва Миснинг собиқ подшоси Фаррухнинг ҳам Швейцарияда катта сумма ёзилган махфий счёти бор.

БЕШ, ЎН ЕШЛИ КЕКСАЛАР

Жанубий Бирманинг Мергуи архипелагида яшовчилар йил сайин яшараверадилар. Бу — оддий арифметика. Мазкур ороллларда туғилган бола бирданига 60 ёшли ҳисобланади. Бола бир яшар бўлганида унинг ёшидан бир йил чегириб ташланади: демак у 59 ёшда деб ҳисобланади. Шундай қилиб, бу оролда беш-ўн «ёшли» кишилар энг ҳурматли ва оқил одам ҳисобланадилар. Хўш, агар киши 60 йилдан ортиқ яшасачи? Бунинг йўли ҳам осон. Мергуида яшовчи одам маҳаллий ҳисобда «ноль ёш»га тўлса, унга яна ўн йил қўшиб беришади ва у яна «яшараверади».

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

СПОРТ МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ҒОЛИБЛАР

СПАРТАКИАДА БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАМОҚДА

Ўтган шанба куни Ватанимиз пойтахти Москвада касаба союз спортчиларининг Бутуниттифоқ VIII спартакиадасининг байроғи кўтарилди. Касаба союзлар 23 та кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари майдонга кириб келишади. Ҳар сафида 22 минг хизмат кўрсатган спорт мастери ва спорт мастерлари, 216 минг 1-разрядли спортчилар бор. Бугун эса уларнинг энг кучлилари Москвада-спартакиада финал мусобақаларида қатнашмоқдалар. Пойтахтнинг энг яхши спорт базалари хавзалари, стадионлари улар ихтиёрига бериб қўйилган. Спартакиада байроғи гарчанд шанба куни кўтарилган бўлсада, мусобақалар бундан ўн кун аввал бошланган эди. Бир неча спорт турлари бўйича мусобақаларга якун ҳам ясалиб, чемпионлар аниқланди. Аммо спартакиаданинг энг қизиқарли мусобақалари хали олдинда турипти. 1428 олтин, кумуш, бронза медаллари эгаларини кутмоқда.

«ТОРПЕДО» ИЛГАРИЛАБ КЕТДИ

Спартакиада байроғи кўтарилгандан кейин, касаба союз спортчиларининг кўргазмали чиқишлари бўлди. Сўнгра энг кучли касаба союз футбол командалари — «Торпедо» — «Спартак» ўртасида навбатдаги матч бўлди. В. Иванов киритган ягона тўп торпедочиларга муҳим икки очко келтирди. Спартакчи Ю. Севидов 11-метрдан тўп кирита олмади. Мана уч йилдирки «Спартак» «Торпедо»ни енголмаётир.

«ПОЛИТОТДЕЛ» ҒАЛАБАСИ

«Политотдел» колхоз футболчилари навбатдаги ўйинни Калинин шаҳрида маҳаллий «Волга» командаси билан ўтказди. Д. Ан киритган тўп қишлоқ футболчиларига икки очко келтирди. «Политотдел» 19 очко билан 12 ўринда бормоқда. Шу турдаги бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Қайрат» — «Карпати» (Львов) — 0:0, СКА (Новосибирск) — «Днепр» — 2:1, «Шинник» — «Заря» — 1:0, «Динамо» (Ленинград) — «Ростсельмаш» — 7:2, «Жальгирис» — «Олга» — 0:0, «Даугава» — «Кубань» — 1:2, «Динамо» (Таллин) — «Арарат» — 0:1.

«ЁШЛИК» КУБОГИ УЧУН

ВЛКСМ Марказий Комитетининг фахрли «Ёшлик» кубоги учун ўтказилаётган мусобақаларда қатнашаётган Узбекистон ёшлар терма командаси навбатдаги ғалабани қўлга киритди. Ўтган дам олиш куни республикамизнинг ёш футболчилари «Пахтанор» стадионида Туркманистон ёшлар терма командаси билан учрашдилар. Матч 7:2 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз фойдасига тугади. Ёш футболчи Ҳошимов ишқибозлар ҳурматини қозонди. У рақиб дарвозасига учта тўп киритиб, чиройли ўйинлари билан томошабинларни мамнун этди.

М. ТАЛЬ ФИНАЛДА

Югославиянинг Блед шаҳридан хушхабар келди. Совет гроссмейстери М. Таль сўнгги ўнинчи партияда Б. Ларсенни енгиб финалга чиқди. Кескин ва шиддатли курашлар остида ўтган бахс фақат сўнгги ўнинчи партиядагина ҳал бўлди. Ҳисоб совет гроссмейстери фойдасига 5,5:4,5. М. Таль финалда Б. Спасский билан беллашади. М. Таль — Б. Спасский учрашувининг ғолиби Т. Петросян билан жаҳон чемпиони номи учун куч синашади.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

19.00 — **«Пахтакор» (Тошкент) — «Шахтёр» (Донецк) командалари ўртасида футбол («Пахтакор» стадионидан).**

Футбол тугагач, Олмаота телестудияси эшиттиришларининг давоми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

Рус тилида: 18.00 — **Тошкент янгиликлари,** 18.15 — **Китоб ташувчи мушук нима келтирди** (болалар учун), 18.45 — **Халққа бағишланган ҳаёт** (ҳужжатли фильм), 19.05 — **Артур Эйзен куйлайди,** 19.50 — **Кўк қоя воднйси** (кинофильм).

21.10 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.15 — **Тошкент янгиликлари,** 21.25 — **Меридианлар учрашган жойда** (телефильм), 21.45 — **Қуёш ҳаммага нур сочади** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Скарамуш — САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «МОСКВА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Бепоён юртим менинг — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 яримда).

Шоҳсанам ва Ғариб (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кеч соат 8.40 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9 да бошланади)

Тракторчилар — ТЕЛЬМАН номли, НАВОИЙ номли.

Скарамуш — «ФЕСТИВАЛЬ, КАФАНОВ номли, «ВАТАН».

Она ва ўғай она — «1 МАЙ».

Ерталабки поездлар — «УДАРНИК».

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — ПУШКИН номли.

«УЗКОЛХОЗОРГТЕХСТРОЙ» ТРЕСТИГА

инженерлар: қурувчилар, конструкторлар, технологлар, сантехникачилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 11-уй, 2-қават, 23-хонада кадрлар бўлимига учрашилсин.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИГА

юкчилар, прессчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов станцияси. Телефон 5-01-06.

9 Январь кўчаси, 16-уй, 1-квартирада турувчи **Тамара Афанасьевна Иваненконинг** шу уйда турувчи Юрий Иванович Копаловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Саратов шаҳар, Киров проспекти, 52-уй, 12-в квартирада турувчи **Содиқ Солихўжаевнинг** Тошкент шаҳар, Чемпион кўчаси, 101-уйда турувчи Муҳаббат Солихўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Бобожонов кўчаси, Фурга проезд, 9-уйда турувчи **Сандғани Саидқанбарович Саидахмедовнинг** Қорасарой кўчаси, 1-Калинин мавзу, 87-уйда турувчи Ортиқой Тўхтаевна Саидахмедова (Зиётова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Юқори Чирчиқ район, Янгибозор қишлоғидаги Завод кўчаси, 3-тупик, 6-уйда турувчи **Эюф Ислямовнинг** Клара Яниятовна Хайруллинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Сельмаш проезд, 1-тупик, 8-уй, 16-квартирада турувчи **Ғани Аҳмедовнинг** шу уйда турувчи Роза Муратовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Чиғатой кўчаси, 330-уйда турувчи **Илёс Шаҳабиддиновнинг** шу уйда турувчи Дилшод Тўлагановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Наманган кўчаси, 32-уйда турувчи **Зонир Ашуровнинг** София проезди, 94-уйда турувчи Мамура Шотурсуновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02242. Индекс 64969. Нашр. № 1822.